

Бир солиҳ зот вафот этди



08:00 / 13.12.2019 2145

Муҳаммад ибн Маъбаддан ривоят қилинади: «Умар ибн Абдулазиз румликлар билан бўлган жангларда уларнинг асирларини жўнатиб юбориб, эвазига душман тарафга асир тушиб қолган мусулмонларни қайтариб олди. Мен Рум подшоҳининг олдига кирсам, Румнинг катта амалдорлари ҳам киришар эди. Бир куни унинг ҳузурига кирсам, ғамгин ва хафа бўлиб, ерда ўтирган экан. «Аҳволингиз яхшими?» десам, «Нима бўлганини билмадингми?» деди. Мен нима бўлганини сўрадим. У: «Солиҳ зот вафот этди», деди. «Ким?» деб сўрадим. «Умар ибн Абдулазиз», деди у. Сўнг шундай деди: «Агар Ийсо алайҳиссаломдан кейин ўликларни тирилтирадиган одам бўлганида, Умар ибн Абдулазиз тирилтирган бўларди деб ўйлайман. Мен эшигини ёпиб олиб, дунёни рад этган, роҳиблик қилиб, ибодат билан машғул бўлган роҳибга қойил қолмайман. Лекин дунё оёғининг остида бўла туриб, уни тарк қилган одамга

қойилман».

«Солиҳлар гулшани» китобидан